

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чика бошлаган. © № 218 (6. 109) © 1986 йил 22 сентябрь, душанба © Баҳоси 3 тийин



ҚАЙТА ҚУРИШ— ДАВР ТАЛАБИ

МЕХНАТ КАЛЕНДАРИДА— 1987 ЙИЛ

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг ишлаб чиқариш илгирлари орасида мастер ёрдамчиси Игорь Богачёвнинг номини тез-тез тилга олишди. У корхонанинг ақсариат ишчилари қатори, зиммасига осирилган социалистик мажбуриятлар олиб, уларни мудафидан аввал адо этишга интилоқда. Мастер ёрдамчиси ўз касбини мукамал эгаллаб олган, яхши тажриба ортирган мутахассис саналади. У станокларнинг мунотаза назорат қилиб, профилактик ремонт ишларини бекаму-куст бажарди. Унинг зоминидаги дастгоҳлар ҳар доим ёлпо техника ҳолатида бўлади. Шунинг учун ҳам мастер ёрдамчиси смена топириқларини мунтазам 105—110 процентга етказиб адо этипти. Фабрикада СТБ—2—211 тўқув станоклари ўрнатилган бўлганда, Игорга ишонч билдириб янги зонага ишга ўтказишди. Бу станоклар эскиларидан бир мунча фарқ қилиб, анча мукамал саналади. Мастер ёрдамчисидан кўп меҳнат қилиши талаб этиди.

И. Богачёв янги станокларнинг бошқариш нисбатан қисқа вақтда ўрганиб, кейин ёш ишчи Толибжон Қўриқовнинг ўзига шогирд қилиб олди. Унга касби сирларини кунт ва чидам билан ўргатди. Мана, ҳозир Толибжон мустақил ишлапти. Айни пайтда устоз ва шогирдлар ўзаро сменадош. Игорь Богачёвни сменани шегрига топириқдан кейин ҳам участкада кўриш мумкин. У шогирдининг ишларини тез-тез кузатиб, зарур маслаҳатлар беришни ҳамон қанда қилма-япти.

Игорь Богачёв йил бошида, ноқ жадал суръат билан ишлаб шу йил 6 июлда йиллик планни адо этганлиги ҳақида рапорт берди. Ҳозир унинг меҳнат календариди 1987 йилнинг март ойи девам этипти. У планга қўшимча 179,3 минг метр юзори сифатли газлама тайёрлади.

Комбинатнинг 1-тўқув фабрикасида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси муҳома қилинганда, Игор ҳам сўзлади. У ҳамкасбларини халқроқ Тинчлик йилда ҳар вақтдагидан самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ортishiга муносиб ҳисса қўйишга чақирди. Ҳозирги кунда илгори ишчи йил охиригаче ана бир йиллик топириқни бажариш учун курашяпти. Бу унинг Фрунзе районининг 50 йиллик юбилейга муносиб совғаси, дунда тинчликни мустақамлаш ишига қўшган улуши бўлади.

Ўринбосарлар етишяпти


«СССР 50 йиллиги номиди Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг энергетика цехида ўтган ойдаги социалистик мусобақа якуни бўйича икки бригада коллективи ғолиб чиқди. Булар Иван Корякин бошлиқ совутиш ускуналарининг ременти билан шу гулладанган ҳамда Олег Абдулин бошлиқ сантехник бригадаларидир.

О. Абдулин бошлиқ бригада ўтган ойда икки «фронт»да меҳнат қилди: ҳам ишлаб чиқариш графиги бўйича тракторларни йиғишда, ҳам сменадан ташқари вақтда марказий иситиш йўлларида қишга тайёрлашда иштирок этди. Хар икки участкада ҳам коллектив виждонан меҳнат қилди ва завод маъмурияти томонидан зарбдор меҳнати учун рағбатлантирилди. В. Пожидаев назорат бригадининг энг яхши пайвандисини саналади. Унинг касб маҳорати ҳақида барча ҳамкасблари таъбирини беришди. Бригада етакчиси энг мураккаб пайванд ишларини шу йилнинг ишониб топиради. В. Пожидаев ҳам коллектив ишончини шараф билан оқлайпти. Унинг ҳалол меҳнатлари фахрий ёрлиқлар, эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

Иван Корякин бригадаси аъзолари кўпчиликл эмас. Шу сабабли уларнинг орасидан биронтасини ажратиб кўрсатсак, бошқаларини хафа қилиб қўйиш мумкин. Гап шундаки, коллективнинг барча ишчилари зиммаларидаги вазифага масъулият билан ёндашди. М. Паратов, Л. Хайридинов, А. Мухин юқори малакали слесарлардир. Улар ўзларининг бой тажрибаларини С. Ибрагимов ва С. Поцелуев сингари ёш ишчиларга бажонидил ўргатишяпти. Ешларнинг эса цехда меҳнат қилаётганларига эндигина уч йил бўла-япти. Шу давр мобайнида улар ҳам аjoyиб фазилатларини намойиш қилдилар. Топириқларини ҳаминша мудафидан аввал бажаришди. Бундан ташқари корхонанинг жамоат ишларида ҳам актив қатнашяпти. Хуллас, бригадада муносиб ўринбосарлар воғта етлапти.

В. ДАМИНОВ.

Замондошимиз



АСОСИЙ МЕЗОН

КПСС аъзоси Валерий Алексеевич Песков «Таштрансспецстрой» трести 71-курйлиш бошқармасида кўпчилик яхши танийди, хурмат қилади. Унинг ана шу бошқаришда меҳнат қила бошлаганига салкам йигирма йил бўлиб қолди. У меҳнат фаолиятини шу ерда қувур ётқизувчиликдан бошлаган эди. Ҳозир комплекс бригадига бошчилик қилади. Унинг кўп остида бригада аъзолари шахримиздаги қанчадан-қанча объектлар қурилишида иштирок этишди. «Малка» трикотаж ишлаб чиқариш бйрлашмасининг янги корпуси ҳам шулар жумласидан. Бригада коллективни водопровод ва канализация термоларини ўтказиш ишларини ҳаминша графиги бўйича, сифатли адо этиди. Бригада бошлигининг харақтери ўзи шундай: кўп учда бажаришган иш-ни ёқтирмайди. Ўзи сийдиқидан ҳалол меҳнат қилади, ҳамкасбларидан ҳам шунини талаб қилади.

Коммунистик меҳнат зарбдори В. Песков бошлиқ бригадада социалистик мусобақа якуни бўйича бир неча марта ғолиблар сафидан ўрин олди. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, бригада етакчиси — бошқариш партия бюросининг аъзоси ҳам-дир.

— «Биз нимани қилсак, бунёд этсак, қўрсак ҳаммаси ўзимизники бўлади, турмушимиз ҳам шунга боғлиқ бўлади», дейиладди КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида, — дейди бригада етакчиси. — Шунинг учун ҳам жадаллаштириш ва сифатли биз фаолиятимизнинг асосий мезони деб ҳисоблай-миз.

СУРАТДА: В. А. Песков.
Т. Каримов фотоси.

Тежаб-тергаб ишламоқдалар

Метрополитен сингари аниқ ишлайдиган ҳўжалик механизмида электр энергияси тежаб резервларини қидириб топиш осонми? Мутахассисларнинг фикрича, бу мураккаб ишдир. Поездлар сонини камайтириш мумкин бўлур эди. Лекин бу йўловчиларга ноқулай бўлади. Тошкент метросининг ходимлари иқтисод резервлари борлигини исботладилар. Йил бошидан бери улар 800 минг кило-ватт соат электр энергияси-ни тежаб қолдилар. Бу йил-лик социалистик мажбуриятларда белгиланганидан икки баравар кўпдир.

Электр энергияси сарфини автоматик ҳисоб-китоб қилишнинг йўлга қўйилиши тежамкорлигининг муҳим наъбани бўлди. Автоматлар заерда энергия номанбул исроф қилинаётган бўлса дарҳол хабар қиладилар. Метрополитеннинг ҳамма бўлимларида меҳнат қилаётган раионализаторлар тежамкорлик жамғармасига

(ЎзТАГ мухбири).

Илм-фан — ишлаб чиқаришга Дала узра камалак

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг мутахассислари электрга ана бир касбини эгаллашда ёрдам бердилар. Электр экин зараркунандларига қарши курашда доққонларнинг яхши кўмакчиси бўлиб қолди. Институтда техника фанлари кандидати П. Мусабоев раҳбарлигида трактор электр газодинамик пуркагичи ясалди.

Олимлар гўзага химиявий ишлов берадиган машиналар самарадорлигини ошириш проблемаси устида ишлабти, мавжуд аппаратлар бор имкониятларини сарфлаб бўлди, деган хулосага келдилар. Уларни янгида такомиллаштириш иш органининг меҳнатик ҳаракат принциплари бориб тақалар ва у пестицидларни кўп нобуд қилиб юборарди. Бундан ташқари пуркаладиган модда одатда зараркунандлар яшириниб ётадиган баргларнинг куйи қисмига эмас, балки юқорисига ўтириб қоларди.

Янги иш органи гомак металл керамикадан тайёрланди. У ҳажми бир хил бўлган майда томчиларни тўзгатади. Лекин энг муҳими, томчилар электр разряди ағурида келтирувчи электр майдонидан ўтар экан, электр куч чиқарили буйлаб бориб, баргларни айланли ўтади. Шундай қилиб, барглар остида яширинган зараркунандларга заҳарли химикатлар мўл-кўл бериб ёпишди. Тўзгитилувчи моддалар трактор моторидан ток олувчи махсус генератор орқали зарралавди.

Ўрта Осиё машина синаш станциясида ўтказилган экспериментлар янги пуркагич ҳозир мавжуд ОБХ-28 пуркагич машиналарга нисбатан юксак самара билан ишлай-ни кўрсатди.



Ушбу суратдаги кулиб турган бу лобар қиз комсомол аъзоси Вазира Хошимова-дир. У «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқув цехида меҳнат қилади. Вазира ўрта мактабда ўқиб юрганидаёқ шу корхонага келиб ишлайни оруз қилганди. Ҳозир ораси амалга ошганидан хурсанд. Дастлаб у тажрибали ишчилар қўлида касб ўрганди. Шу кунларда эса ўрта дастгоҳни қийналмай бошқариб, смена топириқларини муваффақият-ли адо этмоқда.

Замонавий лойиҳа асосида

Энгелс номиди Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг кундузги бўлимида 3 дингта яхши йитиб ва қиз талими олмақда. Ешларнинг ўқиши, яшаш учун қулай шарт-роқ яратишга катта аҳамият берилляпти. Олий ўқув юртига қарашли учта ётоқхона сифат-ли ремонтдан чиқарилиб, ишга туширилган эди. Уларнинг қалорига ана бир янги замона-вий ётоқхона биноси қўшила-диган бўлди.

Шахримизнинг Гафур Ғулом қўчасида институт учун қад кўтарган тўққиз қаватли замонавий ётоқхона биноси қиро-нини кўз-кўз қила бошладилар. Унинг лойиҳаси «Ташпротгор» институтида тайёрланган. Ётоқхона шу жиҳати билан диққат-га сазоворки, унинг ҳар бир қаватида қўша-қўша ошона-лар, кийим дэмолаш хона-лар бор, ванналар, лифт ва бошқа қатор қулайликлар яратилган. Ётоқхона қурилишини

«Лавташкентстрой» 153-қури-лиш трестининг 62-қурилиш бошқармаси азаматлари амал-га оширдилар. Шу кунларда пардозлаш ишларини олиб бо-раватган 2-«Пардозлаш» трес-тининг 48-бошқармаси азамат-лари объектни шу оқининг ўи-да фойдаланишга топириш учун астойдил ҳаракат қилмоқ-далар. Бу замонавий бино Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги арафа-сида институт ишларига муно-сиб совға бўлади.

Объекта пардозлаш бош-қармасидаги К. Турсунов бош-лиқ бригадининг А. Усмонов, Н. Сетторов, А. Илмев, Ш. Ху-сейнов, У. Кубаев сингари иш-чилари топириқларини оши-риб адо этишмоқда.

Институт маъмурияти 650 студента қувонч бахш этади-ган бу янги ётоқхона учун 100 минг сўмлик жиҳозларни со-тиб олди.

Ш. СИДИҚОВА,

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Бу йил Собир Раҳи-мов району буйича 63 минг квадрат метр уй-жой ку-риб битказилди. Дерматоло-га ва венерология илмий-тежириниш институтининг кли-никаси, шунингдек 500 киши-га мўлжалланган поликлиника қуриб фойдаланишга топи-рилди.
- «Миконд» заводи мута-хассислари рангли биллурдан бўюмлар тайёрлашга киришди-лар. Бу бўюмларнинг тажриба туркуми ишлаб чиқарилди. Улар шу йилнинг девамиде кенг миқёсда ишлаб-чиқаришга жорий этилади.
- «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида очил-ган янги цехда бир йилда 100 мингта стул тайёрланди.
- Аргетат заводи коллек-тиви «Степ» комбайнларига мўлжалланган редукторлар-нинг катта туркумини тайёрлаб
- Сибирга жўнатди. Ушбу фах-ри буюртма мудафидан ол-дин бажарилди.
- Беруний қўчасидаги янги «Б—3» массивда 246 ўрта мак-таб фойдаланишга топирил-ди. Ҳозир районда 30 дан зиёд мактаб, 70 дан ортиқ бо-лалар боғчалари ишлаб туриб-ди.
- Ҳозир районда комму-нистик шанбадан тушган
- маблаг ҳисобига педиатрия институти қошида болалар консультатив поликлиникаси қурилмоқда. Унда деволлаш физкультура комплекси ҳам бўлади. ВАЗликлар ташаббу-си қўшилган педиатрия ин-ституту, район солиқни сақлаш бўлими коллективлари ана шу қурилишда тўрт кундан ишлаб беришга қарор қилишди.

Олтойшунослар конференцияси: мурожаат қабул қилинди

Халқаро доимий олтойшунослар конференцияси (ПИАК) XXIX сессияси қатнашчилари жаҳон олим-ларига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Мурожаатно-мада инсоният цивилиза-циясига ҳалокат хавфини солаётган ядро урушининг олдини олиш учун курашда куч-гайратларни бирлашти-ришга даъват этилади.

— Турли социал тузум-даги мамлакатлар бир би-тимга келтирилиш мумкин ва

лозим, юксак инсонпарвар-лик идеаллари йўлида ҳам-корлик қилишлари керак. — деди ЎзТАГ мухбирига Венеция университети про-фессори Яновани Стари.

Инсоният конференцияси турли дунёқарашдаги киши-ларнинг биргаликда яхши ишлайи намунасини кўрсат-моқда. Тинчлик тақдирини ҳал қиладиган кишиларнинг учрашувида ҳам Тошкент-даги каби ишанглик ва ях-ши ният муҳити бўлишини истар эдим.

Сессияда 16 давлатдан кел-ган олимларнинг олтой муш-тарак тилига мансуб халқ-лар тарихи, тилишуслиги ва маданиятини ўрганиш проблемалари ҳусусидаги 250 дан ортиқ доклад тил-ланди.

ПИАК президиуми янги составни сайлади. Профес-сор Деннис Сай Ор (АҚШ) яна доимий конференция бош секретари этиб сайлан-ди.

(ЎзТАГ).

Қайта сайқал берилди

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида диёримиз ифтихори бўлган пахта ва уни еткштирувчи мкиришкорлар меҳнатига бағишланган кўплаб асарлар намойиш этилмоқда.

Музейнинг биринчи қавати-га қўйилган амалий санъат намуналаридан бири — ганч-корлик усулида яратилган пахта тасвирлари нарис, ма-ҳорат билан ишланган. Бу асар-ни бухоролик ганчкор устас-лар ўймакорлик ва нақшошлик усулида бажаришган. Халқ устаси Сулаймон Хўжаевнинг олти қиррали хонтахтасида пахта ва унинг қўсаги ўйиб ишланган. Истеъдодли ёғоч ўймакори устаси Ортиқ Фай-зуллоевнинг паргори услуби-даги устунда эса бир қанча

пахта чаноқлари тасвирланган. Нақош устаслар Жалил Ха-кимов, Олимжон Қосимжонов, Тоир Тўхтажўев кабилар ҳам санъат бўюмларида пахтани нақш ўрнида ишлатганлар.

Ўзбекистон тасвирий санъа-ти заллерлари пахтакор меҳ-натини маҳд этувчи кўплаб асарлар қўйилган. Республи-камизнинг истеъдодли рассом-лари Б. Ҳамдамийнинг «Ҳир-монда», А. Волковнинг «Пахта теримиде», З. Иноғомовнинг «Пахта қуритиш» ва бошқа полотноларда халқимизнинг пахтага бўлган меҳри, жўшқин меҳнати, даладаги иродаси ўз ифодасини топган.

Кеска мўйқалам соҳиблари-дан В. Фадеев 1974 йили, Ўзбекистоннинг 50 йиллигига

бағишлаб яратган йирик асари «Биринчи пахта советлар» полотносида халқимизнинг ул-кан хирмон бунёд этиш учун курашин ақс эттирилган.

Еш, умидди рассомларимиз-дан бири Алишер Мирзави-нинг «Қизил қарвон» полотноси музейнинг республика ёш рас-сомлари бўлими залларидан бирида намойиш этиляпти. Рассом қарнай-сурнай садо-лари остида машиналарда пахта уюмлари, пахтакорлар қувончини тантанали ёрқин рангларда тасвирляпти.

Санъат музейида пахтакор-лар жасорати ва «оқ олтинни таранум этувчи санъат асар-лари томошбинларга доим завқ бермоқда.

М. АҲМЕДОВ.

ОТАЛИҚ КОРХОНА ЁРДАМИ

«Ташхиссельмаш» завод-ининг машинасозлари Жиззах областидида Сулов номидидаги совхоз механизаторларига гў-зани сифатли ва ўз муда-дада дефоляция қилишга кўмаклашдилар. Мазкур кол-лективлар бир неча йилдан буён ўзаро ёрдамга асослан-ган дўстлик алоқалари билан боғланганлар.

Бу йил ҳам тегишли шарт-нома тузилди. Завод хўжа-лигини ОБХ-28 чанглатиш машиналарининг эҳтиёт қис-млари рементини сифатли ў-тказиш учун асбоб-ускуналар, материаллар билан татмин-лади. Заводнинг рементчи слесарлар бригадаси бевоси-та дала шариотида машина механизмида носозлигини теда бартараф этишда ёр-дам берди. Бригада бунинг учун асбоб-ускуналар билан жиҳозланган автолутучкага



Шанба кун «Пахтакор» Марказий стадионда енгил атлетиканлар тўққиз ком-плект медал учун кураш олиб боришди. Энг қизқар-ли беллашув баландликка сакраш секторида бўлди. Бу ерда жаҳон рекордчиси, Қир-ғизистон терма командаси-нинг аъзоси Игорь Пеклин иштирок этганини учун на-тижалар совет сайни яхши-лаб борди. Икки метр 31 сантиметрлик белгидан тўрт спортчи ўтди. Аммо уларнинг кўплари шу натижа билан чекланишди. Игорь Пеклин эса 2 метр 35 сантиметрлик маррани забт этиб, Спарта-киада рекордини янгилди ва олтин медални қўлга киритди. Кўнуш медал украинлик Г. Авдеевни, бронза медални эса москвалик С. Мальченко-га топирилди.

Ядро улоқтиришда Ленин-градлик Л. Агапова энг яхши натижа кўрсатди. Белоруссия-лик Т. Хорлуева яқиничи, москвалик З. Беловолова ун-ичи совриндор бўлди. Диск улоқтиришда Ленинград терма командасининг аъзоси Е. Бури мусобақа шохсу-па-сининг энг юқори погонасига кўтарилиди. Украинлик С. Па-чин иккинчи, белоруссиялик В. Каптох ун-ичи совриндор бўлди.

Ғолиблар аниқланди

110 метр масофага тўсиқлар оша югуришда Латвия терма командасининг аъзоси И. Ка-зенов маррага биринчи бў-либ келди. Украинлик В. Батрченкога кумуш, РСФСР вакили И. Переведенцевга бронза медали топирилди. 5000 метр масофага ўтказилган югуриш мусобақасида грузиялик О. Стрижков энг яхши натижа кўрсатди. РСФСР вакили В. Ҳарулик иккинчи, унинг командадоши З. Бурцев ун-ичи совриндор бўлди.

1500 метр масофага эркак-лар ўртасида ўтказилган му-собақада москвалик В. Тру-дин ғолиб чиқди. Айлар ўртасида шу масофага ўтказилган мусобақада РСФСР вакили Н. Изадорова зафар қучди.

4х400 масофага айлар ўр-тасида ўтказилган бахслар на-тижасига қараб ўринлар қуйи-дагича тақсимланди. 1. Укра-на, 2. Москва, 3. РСФСР.

Шундай қилиб, енгил атле-тика бахслари якунланди. Умумий ҳисобда энг кўп очко жамгарган Украина терма ко-мандаси Спартакиада чеми-пиони уновини қўлга кирит-ди. РСФСР терма командаси иккинчи, Белоруссия терма командаси ун-ичи совриндор бўлди. Якуновчи кун ўтказилган беллашуларда яхши катнаша олмаган Ўзбекистон терма командаси беллашу-ларни тўққизинчи ўрнида якун-лади.

Об-хаво
ва
саломатлик

22—28 СЕНТЯБРЬ

Н. А. Семашко номидидаги ку-рортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Манжидов тахрири остида.

Ўзбекистон ССР Гидроме-теорология марказининг маъ-лумотларига кўра шу ҳафта

бошларида булутнинг кўпайи-ши кутиледи, ақсариат кунлар-да ёғингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати кечкурун 12—17, кундузи 27—31 даража ис-сиқ бўлади.

Кейинчалик ҳаво ҳарорати-нинг бирмунча кўтарилиши ку-тилади, кунлар сентябрь ойи-га хос илқ, ёғингарчиликсиз бўлади, кучсиз шамол эсади.

Ҳафта охирида мамлакатимиз-нинг Европа территориясидан салқин ҳаво кириб келиши эҳ-тимол бор, Ҳаво ҳарорати ўртача 3—4 даражага пасаяди. Ҳафтининг ўртача ҳарорати нормадигига яқин бўлади.

Н. А. Семашко номидидаги Курортология ва физиотера-пия илмий-тадқиқот институти медицина метео-маълумотлари

ва метеопрофилактика марка-зи мутахассисларининг фикри-га кўра ҳафта мобайнида ку-ни лавтаган ҳаво ҳароратидаги, атмосфера босимидидаги ўзга-ришлар одатдаги кундалик динамикани сақлаб туради, қилм нормасидан кам фарқ қилади.

Бундай об-хаво шароитида

беморларда кучли метеопатик реакцияларнинг ривожланиши эҳтимолдан узоқ. Демак, ана шундай реакцияларнинг олди-ни олишга қаратилган мах-сус тадбирлар қўришининг зар-урати йўқ. Бундай кунларда об-хаво ўзгаришига таъсир-чан беморларга чинқишда давом этиш, очик ҳавода бў-лиш вақтини кўпайтириб бо-риш тавсия этилади.



ри ҳали ҳам бутунлай
фош этилгани йўқ. Уша
Г. Шульценинг таъкидла-
шича, ишбилармонларнинг
даромадлари йилига 400
миллион маркани ташкил
этаётган экан.



◆ Қадимги қўлзма-лар зараварларидан ◆
Илм масканлари лабо-
раторияларида ◆ Кинтоб
— ақл-заковат манбани
◆ Яхши одамлар — ҳаёт
юлдузлари.

Машхур ғазаллар таҳлили

Бундан ўн бир йил муқаддам «Тошкент оқшомининг» 1975 йил 20 октябрь сонидида «Машхур ғазаллар таҳлили» рубрикаси остида филология фанлари доктори Н. Абдуллаевнинг «Қора қўшун...» мақоласи босилган эди. Баъзи свабларга кўра бу рубрика остида газета саҳифаларида

бошқа материал берилмади. Редакция ана шу рубрикани қайта тиклаб, шарқ классик шеърининг энг нодир дурдоналари таҳлили билан оқшомхоналари таништириб боришни лозим деб топди. Шу масалада фикр-мулоҳазаларингиз, тақлиф ва истақларингизни билдиришга деган умиддамыз.

«Ул сарви гулрў келмади»

Баъзи бир хонандалар томонидан классик шоирларимиз ғазаллари гоҳо бузиб, гоҳо байтлар ўрни алмаштирилиб куйилиб келинмоқда. Бу ўша ғазаллар мазмунини тушунамаслик босидан содир бўлган. Шунинг учун оммавий куйилиб келинган ва ҳозирги замонда тушуналиши бир мунча қийин бўлган машхур ғазаллар мазмунини бериб боришни лозим топдик. Бу хонандалар, шеърят мухлислари, ўқитувчи ва студентлар учун ҳам фойдали бўлар деган умиддамыз. Вугун буюк шоир Навоийнинг муножот куйилиши биринчи қисми билан айтилиб келинаётган «Ул сарви гулрў келмади» ғазалини таҳлил қиламиз.

Кеча келгандир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйку келмади.
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чекдим йўлда интизор,
Келди жон озғингаю ул шўх бадхў келмади.
Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлгонда қоронгу келмади.
Ул париваш ҳажрининг йилгадир девонавор,
Кимс боришми, анга кўрганда кулгу келмади.
Кўзларингдан кеча сув келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.
Топилди содиқ топилаб, йўқса ким қўйди қадам —
Йўлганим, аввал қадам машуқ ўтди келмади.
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт қўнгулур ўйин,
Не учини бода келган ўйга қайгу келмади.
Ул сарв қомат, гул юзли гўзал тунда келаман деб
Берди-ю келмади.

Бутун кеча то тонг отқунча унга мунтазир бўлиб, ухламай чикдим.

Секин-аста кўчага чиқиб, унинг йўлида пойлаб ўтирдим, жоним озғинга етиб, ўлар ҳолга келсам ҳам, ул феъли ёмон, шўх гўзал келмади.

Ойдин кеча унинг юзи каби ёруғ бўлиб турганда, ўзини эҳтиёт қилиб ойдинга чиқмаган бўлса, кеча худди менинг қорс куним, ҳаётим каби қоронги бўлганда ҳам келмади.

У пари каби гўзалдан айрилиқ (хикрон)да худди девона, жиннилар каби йилгадир, мени кўрганда, аҳволимга кулгуси келмаган бирор киши йўқ.

Кўзларингдан қанча сув (ёш) оқиздинг, деб мендан сўраб ўтирманг, бу кеча кўзимдан ёш келгани йўқ, фақат қон оқди. Кўнглимга муносив сadoқатли дўстни топиб бўлмайдим, ким ўзи йўлга чиқиб ахтармаса, машуқ биринчи қадам қўйиб рўпара келмайдим.

Эй, Навоий, кўнгулур (қоронги) уйини бода (май) билан шоду хуррам эт, чунки май кирган уйга ғам-қайгу келмайдим.

Бу ерда «бода» сўзи ҳозирги замондаги спиритли ичимлик (арак, вино) эмас, ишқ-муҳаббат майи. Машуқ ҳаёли билан маст бўлиб юришининг ўзи май ичиш маъносига тушунилади.

И. АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори.

Иттифоқ экранларига

Ўзбекистон бископлари тизимини унга заҳарнинг таъсири бўйича самарали тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бу борада Тошкент давлат университети лабораторияларида ҳам кўп иш қилинди.

Ана шу мавзуда яратилган ҳужжатли фильм «Тўқима ва заҳар» деб номланди. Ўзбекистон ССР ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида суратга олинган бу лентада таъ-

ланган мавзуга доир қизиқарли лавҳалар кўп. Ундан ўқув фильми сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ансамблнинг муваффақияти

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқ ижодиёти иккинчи Бутуниттифоқ фестивали доирасида кўпгина қизиқарли маданий тадбирларни амалга ошириш ҳам қўзда тутилган. Москвадаги СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазма-санаатлари ташкил эти-

лаётган бадий ҳаваскорларнинг чиқишлари ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда. Мамлакатимизнинг Бош кўргазмаси томоша заллари яқинда серкўш республика миёнадан борган бадий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида бериб қўйилди. Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат коми-

тети республика маданияти унинг «Хилола» ашула ва рақс ансамбли берган концертлар ҳам муваффақиятли бўлди. Ижрочилик маҳорати учун ансамблининг бачча иштирокчилари «СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси» ижодий қатнашчиси» эсдалик нишонлари билан тақдирландилар.

С. ОДИЛОВА.

КАЙФИЯТ

(Этюд)

Наимжон бутун ҳам ишдан кеч чикди. Шаҳар чеккасидаги ҳовлисида етиб келганда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Фирғони фаллака чиқиб, ичиди лаборатория мудирини сўқарди.

«Туллак, топган вақтинчи қаранг. У киши ялло қилиб юрмишлару мен ишлар эмишман. Ўзинг нима кўрмисан ёки қўлинг шол бўлганми? Ахир, фан қандайдир. Ўтириб ишга. Аслида ишга қўйини йўқ унинг. Бир жойда ишлагандан кейин нонининг ҳалоллаб е-да ахир?! Мендақа «хизматкорлардан» қўлида туртатси ишларини билди-да...»

Наимжоннинг бошлиқдан нолганича ҳам бор эди. Бутун пешиндан кейин мудир уни чақиртирди. Ишлари қўлайиб кетганини рўқча қилиб, ун ойлик ҳисоботини унинг номидан ёзиб беришини сўради. Наимжон иш қўйилгани баҳона қилиб қўтумоқчи бўлди-ю, бошлиқнинг хечриси жиддийлашганини кўриб, боши ҳам бўлди. Бошқа илож йўқ. Бош тортса ишга чатоқлашганини билди, ичор қўлди. Мудирдан керакли қўғозларни олиб қўғоз хонасига кириб, ишга шўнғиди. Қоронгу тушгунча қўлиб ишлади.

Унга келганда ўғилчаси пишлаб ухлар, хотини Назира нима биландир банд эди. Эри ашиқдан кириши билан хотини уни четга тортиб:

— Дадлар келиб, куталар келди. Ўзини бори келишларига ҳам йўқсиз. Бу нима, ахир?! Соат кўргур 10 дан ошди-ку!

Юрғи сикилиб турган Наимжон хотинини жериди: — Нима, мен ўйнаб юрибманми? Иш қўл ахир. Ишдан кейин қўлиб ишлаганга тўғри келди.

Шу пайт бўшанглиги ўзига қор қилиб кетди. «Нега энди лаборатория мудиримана шу лавъатни ишга қўлмайман деб шартта айтмадим. Нима, бажармасам

— Азиз муаллимнинг уйига етиб келганда эшик олдида «Тез ёрдам» машинаси чирок ёруғида алтираб турарди. Наимжон кетишини ҳам, кетмаслигини ҳам билмай қайқайиб қолди. Шу пайт ақилдан ички киши чиқиб келишди. Азиз муаллим Наимжонни кўриши билан у томон юрди. Оқ халатли киши ҳам унга эргашди.

Улар билан кўришаркан Наимжон гўлдираб:

— Мен қоронгидан топа олдингизлар деб... Оқ халатли киши Наимжоннинг қўлини топиб:

— Раҳмат ука, топиб олдингиз, дея сирли жилмайиб унинг елкасига қўқиб қўйди. Неймат РАФИҚОВ.



«Еш создаларнинг сеҳрли куйлари». Х. Шодиев фотоэтойди.

Санъатнинг сеҳрли олами

ОДАМЛАРГА МУҲАББАТ

«Юдузи» журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

СУРАЛАРДА: расм Х. Луфтуллаев яратган Акмал Иброҳимов, генерал Собир Раҳимов ва шоира Саида Зўнгунова портретлари.

Х. Луфтуллаев ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ

журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

СУРАЛАРДА: расм Х. Луфтуллаев яратган Акмал Иброҳимов, генерал Собир Раҳимов ва шоира Саида Зўнгунова портретлари.

Х. Луфтуллаев ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ

журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

СУРАЛАРДА: расм Х. Луфтуллаев яратган Акмал Иброҳимов, генерал Собир Раҳимов ва шоира Саида Зўнгунова портретлари.

Х. Луфтуллаев ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ

журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

СУРАЛАРДА: расм Х. Луфтуллаев яратган Акмал Иброҳимов, генерал Собир Раҳимов ва шоира Саида Зўнгунова портретлари.

Х. Луфтуллаев ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ

журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШАЛАРИДА

Кеча

Тошкентда олтойшуносларнинг XIX халқаро конференцияси ўзининг якунида СССР Фанлар академияси Шарқшунослик, Тилшунослик институтлари, Шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ Ассоциацияси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтини ўтказган бу катта анжуман олтой тил оиласига мансуб бўлган туркий туркум халқларда муўул ва тунгис-манжур тил туркумларини ҳамда уларнинг ўзаро қадимки қардошлик алоқалари, муносабатларини ўрганишга қаратилган эди.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг бир гуруҳ олимлари иштирокида узок Тоғли Олтой бўйлаб олтой халқининг ўзига хос бой оғзаки ижоди, адабиёт санъати, маданиятини ўрганиш, ўзаро дўстлик алоқаларини яна ҳам мустаҳкамлаш учун «Дўстлик» номидаги фольклор этнографик экспедицияси ташкил этилган эди. Қўлга киритилган бой материаллар Тоғли Олтой халқи билан ўзбек халқининг оғзаки ижоди намуналарида ўзига хос умумийликлар борлигини исботлайди. Бу эса ҳар икки халқнинг қадимий маънавий қардошлик илдизларини янада чуқурроқ очишда, илмий тадқиқ қилишда катта икмон беради. Қўйида биз экспедиция қатнашчилари тўплаган материаллардан бир қисmini оқшомхоналар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Тоғли олтойликлар халқ оғзаки ижоди намуналарига ихтиёда ҳурмат билан қараб, уларни дилларида сақлаб келадилар. Олтой халқ оғзаки ижодининг илмий тадқиқот рус фольклоршунослари (XIX аср) В. В. Радлов, В. И. Вербицкий, Г. Н. Потанин, Н. И. Ананьев ҳамда Олтой олимлари М. В. Чеваловлар номи билан боғлиқдир. Олтой халқи ўзининг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳар хил жанрдаги фольклор намуналари қатори ҳар бир тоғ, дарахлар, қўлар, янговлар, тепаликлар ҳатто тошлар ҳақида қадимий нақб-ривоятлар, арсона ва асотириларни сақлаб келганлар. Унқудойлик 80 ёшли Александров Каттош исмли аёл ва бошқа қаришлардан қилшолган. Ураб турган тоғнинг ўнги чўқисини қилшолган, улар билан боғлиқ тарихий оид воқеаларни ёзиб олганга мўъассар бўлди.

Унқудойдан шарққа «Монголия чегараси томон» таваринида ян-яшил ў-ўлағи бурганган тоғ бағрида илгон «Кайнона тили» — гули шаклига ўхшаш) йўл бор. Бу жуда кўп шоирлар томонидан гўзаллиги таърифланган Чекатаман доводидир. Унга чиқадиган йўл атрофи манзарасининг ҳақиқатан ҳам гўзаллигининг гувоҳи бўлди.

Ана шу йўл қурилиши, гўзаллиги ҳақидаги ҳикоялар, шоирлар шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

Шундан кийинки биргалашиб, янгилаб номда Бийсуу — «хўжайин суви» бўлиб оқар эканлар. Ҳар иккала суи кўшайиб (шимоли томонга йўл олиш) Обь дарёсини ташкил қилган эканлар. Обь — суи олтойча қолп, яъни ўзгача хулқи, одоби маъносини билдиради. Ўз хулқи-атворида, қилмишларида уялган Хотун дарёси эри билан тинчгина осойишта йўлларида давом этишар эканлар. Шу-шу Хотун дарёси Олтойга қайтмаган экан.

Ўзбек халқидаги каби олтойликларда ҳам ойдаги доғ ҳақида бир неча вариантда асотири сақланган:

Кўш чиқиб ойга шундай дейди: — Сен ерга тушиб, одамларга зиён етказётган аждархон бўёққа, ойга олиб чиқкин, у одамзотни қуритмоқчи, — дейди. Ой ерга тушиб, аждархон олиб чиқиб кетмоқчи бўлганда, аждархон толархити маҳкам ёпишиб олади. Аммо, барбери фойдаси бўлмади. Аждархон толархити толархити билан қўлга олиб чиқиб кетди. Шундан бую Ойдаги доғда толархитини толархити билан ушлаб олган аждархоннинг акси бор эмиш.

Бошқа хил вариантда ўша аждархон томири билан узил олган толархитининг кўнган жойи Телецк кўлида, қозларда у Дельберташ (Камений залив) деб аталар экан.

Олтой халқларида қадимдан ой тутилган пайтда: «Аждархон оини тутиб ёй қўяди, ҳамла қилмоқда, оини ютмоқда», — деб кўрқувдан бақириб, қўллариди бирор нарсани бир-бирига уриб тареклатиш, итларни қўришга мажбур қилириш каби ибтидоий одатлар яқин кўнларга сақланганлигини таъкидлаб беришди.

Ҳарқалай, жуда кўп асотириларни мисол тариқасида келтириш мумкин, булар узок халқ оғзаки ижодида ҳам турок вариантларида мавжуд. Уларни қўштириб ўрганиш, туркий халқлар оғзаки ижодида маъсулликни аниқлаш катта самара бериши мумкин.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкин, Тоғли Олтой туркий халқлари фольклорларини излаш, илдизлари қадим-қадим замонларга бориб тақалувчи ўзбек ва олтой халқлари маънавий биродерлигини ўрганишга бағишланган «Дўстлик» экспедицияси талғини муваффақиятли қўлга киритди. Бу халқлар сарчашмаларини қўйиб ўрганиш умумий фольклоршунослида катта илмий аҳамият касб этиб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик биродарлик алоқаларини бундан бую ҳам ривожланишига мўҳим хисса бўлиб қўшилади, деган умиддамыз.

Малик МУРОДОВ,

филология фанлари доктори, профессор.

Содиқ НОСИРОВ,

аспирант.

Нафс

(Шингил ҳикоя)

— Э, каллаварам, шу пайтгача фаҳим етмаганини қара-я, қанчадан қанча тухумлар, қанчадан қанча жўналар-у товуқлар бекор кетибди. Ахир, шу ярамас итнинг еганига яна ўн товуқ сақласам бўлади-ку! Кўнга ўн товуқ қилиб берса — фалон пул...


Содда-мўғомбир шундай дея пешонасига бир шаллоқ туширибди, ахдин қатъий қилиб ўша қўниёқ итнинг дарёнинг нариги қирғоғига адаштириб қайтибди. Келишди йўл-йўлакай бо-эорга қирғиқ-ла, яна ўн товуқ сотиб олибди. Уларни авайлаб-асраганча келтириб, қатақлати товуқларга қўшиб қўйибди.

Кеча алламаҳалгача кўзига уйку келмай, ҳисоб билан банд бўлди. Нуқул рақамлар беш-олтига ноллик жойига келганда чалқашиб кетаверди...

Тонг-сахар уйқуси қочиб, салчиб ўрнидан турди, товуқлардан бир хабар олиб келай, деган ҳаёлда келиб қараса, қатақнинг дарчаси ланг очил, танба анча нарида думалаб ётган экан...

Итдан қўрққанидан ҳовлига яқин йўламай юрган тулки ўша кечаси товуқлардан қўнига сиққанича еб, қолганларини бўғиб ўлдириб кетган экан.

Муҳаммад ПИРРИЕВ.



Расом Хайрулла Лутфуллаев яратган асарларни кўздан кечирганда туғилгандан биринчи таассурот ҳам шу. Расом ўз юрти, унинг фойдаси одамларини жондидан яхши кўради. Унинг асарларидаги ёруғлик айнан ана шу муҳаббатнинг маҳсулидир.

У Тошкент политехника институтининг архитектура факультетини тугатган. Болалигидан расм чизишга иштиёқманд. Бу иштиёқ ҳозир унинг ҳаёт мазмунига айлалган. У айниқса китоб графикаси бўйича қўвончли натижаларни қўлга киритди. Асарлари республика

кўргазмаларида бир неча марта намоиш қилинган, 1985 йилда бўлиб ўтган «Китоб санъати» конкурснинг фахрий ёрлиғига сазовор бўлган.

Х. Луфтуллаев ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ

журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

СУРАЛАРДА: расм Х. Луфтуллаев яратган Акмал Иброҳимов, генерал Собир Раҳимов ва шоира Саида Зўнгунова портретлари.

Х. Луфтуллаев ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ

журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

СУРАЛАРДА: расм Х. Луфтуллаев яратган Акмал Иброҳимов, генерал Собир Раҳимов ва шоира Саида Зўнгунова портретлари.

Х. Луфтуллаев ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ

журналида расм. Исламнинг ўрганади. Исламнинг бесамар кетмаётгани эса у яратётган асарларини гувоҳ.

СУРАЛАРДА: расм Х. Луфтуллаев яратган Акмал Иброҳимов, генерал Собир Раҳимов ва шоира Саида Зўнгунова портретлари.

КЎРИНМАС ИТТИФОҚЧИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг олимлари зараркуанда ҳашаротларга қарши курашда янги бир иттифоқчи топдилар. Бу паразитларда касаллик қўзғатувчи микроорганизмларда патогендир. У айниқса чивилларнинг кушандасидир. У ҳашаротларда микоза деб аталмиш замбуруғ касаллигини қўзғаб, уларнинг 70—80 процентини қириб юборади. Патоген ёр-

дам билан паразитларни таъминла кириб юбориш ҳам мумкин. Тошкент областида касаллик қўзғатувчи шу микроорганизмнинг табиий манбалари топилди. Ҳозир институтда оддий кўзга кўринмайдиган замбуруғ спораларини сунъий равишда етиштириш методи ишлаб чиқилмоқда. Улар ўсиш ва ривожланиш учун қўлай озуқа муҳити яратилган пробиркага солинади. Орадан бир неча

кун ўтиб «ҳосил етилган» уни паразитлар яшайдиган жойларга олиб ўтиш мумкин бўлади. Сановат шаронларда урчиш мумкин бўлган биопатогеннинг алоҳида барқарор тури топилди. У химиявий ихота воситалари ўрнида ишлатилади. Олимлар табиатда паразит сояни биорегуляторларнинг бошқа анча-мунча турлари ҳам

борлигини аниқладилар. Мутахассислар табиатнинг шу ўзига хос санитарлари тур составини, тарқалган жойлари ва яшаш шароитларини излашни давом эттирмоқдалар ва ўрганоқдалар. Бу ишлар қишлоқ хўжалиги зараркуандалигига қарши биологик кураш мазодаларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш программасига мувофиқ олиб борилаётган.

(ЎзТАГ муҳбири).

ТОПҚИРЛИК

Икки ўртоққа бир эиёфатга қўйилган қумуш қошиқлар ва аилкалар жуда ёқиб қолди. Дўстлардан бири ўртоқига қараб бундай деди:

—Қошиқдан биттасини олиб чўнтакка урдим, меъзон билан ўтирибдим... Иккинчи ўртоқ ғалати бўлиб кетди, чунки у ҳам шу қошиқдан бирини гўмдон қилмоқчи эди. Энди ҳамма меҳмонлар ва уй эгалари олдига шу қошиқдан биттасини олиш учун миясига ажойиб бир фикр келди, сўнгра ҳозир

бўлганларга мурожаат қилиб деди: — Жаноблар ва хонимлар! Эиёфат ниҳоятга етай деди, ҳозир мен сизларга фокус кўрсатмоқчиман. Қаранглар! Мен ҳозир битта қошиқни оламанди, чўнтагига соламан, сўнгра «жаало», «жаало» дейишим билан қошиқни мана бу ўртоқимнинг чўнтагидан топасиз!!!

Арабчадан Қудратилла ТОШМЕТОВ таржимаси.

Чет эл юмори



Мусобақаларнинг биринчи кунин украинлик спортчилар 4х100 метр масофага эстафетали югуришда Спартакда рекордини янгилаган эдилар. Эртасига ленинградлик Марина Степанова ўзига тегишли жаҳон рекордини бирданга 0,38 секундга яхшилашга эришди.

РСФСР терма командасининг аъзоси, челябинский Владимир Кривов ҳам янги рекорд соҳиби бўлди. У Виктор Маркиннинг аввалги натижа-

сини 24 секундга яхшилаб, 400 метр масофани 45,20 секундда босиб ўтди. Озарбайжон терма командасининг аъзоси Юрий Дудкин эса иккинчи ўринни эгаллаган бўлишига қарамасдан Спартакданинг олдинги рекордини тақдорлади. Бронза медали белоруссиялик спортчи Владимир Володькога топширилди.

Спартакда тарихида яна бир янги саҳифа очилди. Аёллар ўртасида 10 метр масофага югуриш бўйи-

ча биринчи марта баҳс ташкил этилди. Старт чизигига 17 спортчи тўпланди. Улар чемпион унвонини қўлга киритиш учун бор маҳоратларини ишга солишди. Давра сайин пешқадам ўзгариб турганлиги кураш ниҳоятда кескин бўлганлигидан далolatдир. Иштирокчилар 4-километрни юқори натижа кўрсатиб, 3,07 секундда босиб ўтдилар. Кейин ҳаракат яна бир янги саҳифа очилди. Аёллар ўртасида 10 метр масофага югуриш бўйи-



СССР халқлари IX Ёзги Спартакда сининг энгил атлетика мусобақалари ўтаётган «Пахтакор» Мар-

Тошкентда қайд этилди

казий стадионда қатор рекордлар қайд қилиниб, мутахассислар эътиборига тушди.

Ольга Дуркина 34 минут 6,32 секунд натижа билан Спартакда чемпион унвонини қўлга киритди. Унинг ҳаммадоши Надежда Ильина кумуш, ленинградлик Инна Пушкарёва бронза медали билан тақдорланди. Иштирокчиларнинг кўрсатган натижаларидан каттиқ назар уларнинг номлари спартакда тарихида қолади.

800 метр масофага югуриш баҳсларида иштирок этган республикамиз терма командасининг аъзоси Павел Данилов тўртинчи натижа кўрсатиб, терма командамиз жамғармасига қимматли очколар келтирди. Лариса Якубович ва Мунира Қолбековалар ҳам аёллар ўртасида яна шу масофага ўтказилган баҳсларда дуруст қатнашдилар дейиш мумкин. Мунира умумий ажабда 18, Лариса эса 19-ўринни эгаллади. Улар ҳам терма командамизга қимматли очколар келтириш-

ди. Республикамиз вакиллари орасида Светлана Юргина энг яхши натижага эришиб, тўртинчи ўринни эгаллади. 1 минут 59,97 секунд натижа кўрсатган мамлакат чемпиони Любова Кирихина Спартакданинг олтин медали билан тақдорланди. Украинлик Елена Завадская кумуш, РСФСР терма командасининг аъзоси Светлана Андреева бронза медалини қўлга киритди.

Спартакда спортчилар бор куч ва имкониятини тўғри тақсимлаш, босқичлик билан иш юритиш талаб этади. Ана шу оддий ҳақиқатга амал қилмаганлар эса доғда қолишади. Республикамиз терма командасининг аъзоси — тақриблик спортчи Валерий Ишутиннинг хатси бунинг далилидир. У лангар-чўда сакровчиларнинг дастлабки баҳсларида иштирок этади. Судьяларга бирданга 5 метр 60 сантиметр баланд-

ликин буюрди. Лекин унинг уришлари бекар кетди. Натижада у командига биронта ҳам очко келтира олмади. Республикамиз терма командасининг энг тажрибали аъзоси Родион Гатаулин ҳам муҳлисларни анча ташвишлантирганлигини эслаш лозим. У ҳам баҳсни бирданга 5 метр 60 сантиметрлик белгидан бошлади. Дастлабки икки уришида маррани забт этолмади. Сўнгги — учинчи уришида у маррани эгаллади. Аммо судьялар тебранаётган темирчага узоқ тикилиб туришди. Хайрият, у тушиб кетмади. Шундан кейин Родион 5 метр 75 сантиметрлик белгидан дадил ўтди. Спартакда чемпион унвонини қўлга киритган ҳамшахримиз натижани ана яхшилашга бел боғлади. У 5 метр 90 сантиметр маррани забт этиш-



га уриниб кўрди. Лекин ундай олмади. Бу спортчи эришган натижаларни билан қаноатланмаётганлигидан далolat беради. Демак, у янги маррани забт этиш учун тайёргарлигини янада кучайтириш иштиёқида.

Ҳа, энгил атлетика баҳслари Тошкентда янги рекордларни, янги номларни аниқлашга ёрдам берди.

И. ФАТТОХОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/IX да Чю-Чю-Сан, 24/IX да Севги афсонаси. ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IX да Кузининг биринчи кунин, 24/IX да Отелло.

МУҚИМий НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IX да Ёшлиқда берган кўнгли, 24/IX да Зулдир.

КИНО

22 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭСКИ АВТОМОБИЛДА САЕ-ХАТ» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ЯКШАНБАЛИК ОТА» — Восток (тоқ соатларда).

«АЖОЙИБ ТОПИЛМА ЕКИ ОДДИЙ МЎЪЖИЗА» — Восток (кичик зал, муфт соатларда).

«АСР ШАРТНОМАСИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16, 18, 30, 21.00).

«ДОКТОР ЖЕКИЛ ВА МИСТЕР ХАЙДИНГ» — Қозғонистон (16, 18, 20.00; телефон 35-24-92).

«КАЛБ АМРИ БИЛАН» — Хива (21.15).

«КОНКОРДНИ ҚУТҚАРИНГ» — Фестиваль (21.15).

«СЕВИШ ХУҚУҚИ» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40).

23 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭСКИ АВТОМОБИЛДА САЕ-ХАТ» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ЯКШАНБАЛИК ОТА» — Восток (тоқ соатларда).

«АЖОЙИБ ТОПИЛМА ЕКИ ОДДИЙ МЎЪЖИЗА» — Восток (кичик зал, муфт соатларда).

«АСР ШАРТНОМАСИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13, 30, 16, 18, 30, 21.00).

«ДОКТОР ЖЕКИЛ ВА МИСТЕР ХАЙДИНГ» — Қозғонистон (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 35-24-92).

«КАЛБ АМРИ БИЛАН» — Хива (21.15).

«КОНКОРДНИ ҚУТҚАРИНГ» — Фестиваль (21.15).

«СЕВИШ ХУҚУҚИ» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ Ёшларни олий ўқув юртига кириш учун тайёрлайдиган МАРКАЗИ КУРСЛАР 1986-1987 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА КИРУВЧИЛАР ЎРТА МАЎЛУМОТГА ЭГА БУЛИШЛАРИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТИДА ПРОПИСАЛАРДА ТУРИШЛАРИ ШАРТ.

Тайёрлов курсларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топирадилар: ректор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 2 донa фотосурат. МАШҲУЛОТЛАР математика, физика, тарих, жамиятшунослик, она тили ва адабиёт, химия, биология, чет тилларида — ҲАФТАСИГА ҲАҲАТТА (якшанбадан ташқари) соат 19.00 дан университет биносида (Студентлар шаҳарчаси) олиб борилади. Ҳужжатлар яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 10 дан 14.00 гача ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими математика факультетининг 5-қават, 501-хонасида қабул қилинади.

Собир Раҳимов районидан К. Е. Ворошилов номи 46-мактаб томонидан Абдуллаев Нуриддин номига берилган 669307 номерли йўқолган

8-СИНФИНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Учет-кредит техник университети Раҳимов бериюв Раҳно Ҳабибуллаева номига берилган 104155 номерли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд область Норпой районидан А. С. Макаренко номи 9-ўрта мактаб томонидан Ҳамраев Обрунжон Раббонийов номига берилган 860412 номерли йўқолган

ЎРТА МАЎЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ

АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

реклама эълонлар реклама

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР
Хунар-техника таълими
давлат комитети

Тошкент шаҳар Хунар-техника таълими бошқармасининг

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
56-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА

БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ

ҚИЛАДИ

ип йигирувчилар, тикувчилар, калава, ип пикитувчилар, тикув ва йигирув машиналари бўйича мастер ёрдамчилари, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, бўёқчилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛ ВА 3 ЙИЛ.

Билим юртига 8-10-сиф ҳажмида маълумотли 15 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар, Совет Армияси сафида хизмат муддатини ўтаган ёшлар қабул қилинади.

Ўқишга 3 йиллик муддатга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал оқват ва иш кийими билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади ва корхона қўшимча 40 сўм тўлайди.

Областанг келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртиларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўллама берилади.

Билим юрти қошида кулли автомобиль ҳайдаш курслари мавжуд.

Билим юртида спорт базаси ва ҳар хил тўғараклар ишлайди.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАН ДА АН КЕИИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 донa 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, ариза, таржима ҳоли.

ҲУҲЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели району, Қўйлик массиви, 5-«б» (37-е, 45-автobуслар, 26-трамвай; 11, 30-маршрут) таксининг «Қўйлик-5-«б» бекети).

Болаларга муносиб либослар

Трикотаж кийимлар болаларга югуриш чоғида айнақса қулайдир. У гинжимламайди, яхши ювилади, дазмоллашга ҳожат йўқ.

Болалар майин, иссиқ жун костюмчалар ва жемперларни кузнинг салқин кунларида кийишлари мумкин.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА-САВДО БИР-ЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ АНА ШУ МОЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тоза жундан тикилган костюмлар (шимлар ва жемперлар, 28-32 размерли); тоза жундан тикилган жемперлар (28-32 размерли); ползуниклар (22-24 размерли); трусилар (30—32 размерли), футболкалар (32-34 размерли), майкалар (28-32 размерли) сотувга қўйилган.




«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА-САВДО БИР-ЛАШМАСИ (телефон 42-56-40).

Хонадон чиройини очади

Марказий универсал магазини ёнбошидаги 12 терак кўчасида жойлашган «Гилалар комплекс»ида сиз ўз дингизига мос келадиган гилалар билан таъминланган бўлиш мумкин.

Суналарга ёнб қўйилган гилалар, полосларнинг нақши гули, ранги ва шаклига қараб манзур бўлганини таллайсиз.

Хива гилалари, Олмалик комбинатида тайёрланган полослар, «Ворослан» поёндон, Москва, Белоруссия, ГДР корхоналарида ишлаб чиқарилган гилалар поёндозлар савдога қўйилган.



ЦУМ (телефон 56-77-91).

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ САВДОНИНГ ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ:

Барча профилдаги озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар, БУ ГРУППАЛАРГА 17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЎЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Ўқиш муддати — 6 ой.

Уни битирганларга «Контролёр-кассир» ёки «сотувчи» ихтисоси берилади.

Шунингдек, озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларга тугалланмаган ўрта (8, 9-сиф) маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Ўқиш муддати — 8 ой.

Контролёр-кассир ва кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларнинг тингловчиларига ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қиради.

МАШҲУЛОТЛАР ҲАР БИР ГРУППА КОМПЛЕКТ-ЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ БАРЧА ГРУППАЛАРГА РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек группаларда ўқиш бутун йил давомида, узулксиз равишда олиб борилади. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

МАШҲУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош универсал магазини — ГУМда, Тошкент шаҳридаги «ГАСПРОНОМ» магазинларида практика ўтказиладилар.

Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топирадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржима ҳоли, 286-формадаги медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 донa фотосурат, характеристика.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов району, Чилонзор массиви, Бобир кўчаси, 3-уй (13, 70-автobусларнинг «Тез медицина ёрдами касалхонаси», 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекатлари). Телефон 78-44-30.

«КОСМОС» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Космос» ресторанида ёзилган дастурхон атрофида ўтириб, сиз бир соат давомида минора атрофида бир марта айланб шаҳар узра «парвоз» қилган бўласиз.

Ресторанга келиб, томоша қилиш 1 соат 45 минут, ресторансиз эиерат эса 45 минут давом этади.

Эиератлар соат 13 дан бошлаб ҳар икки соатда минорага чиқарилади.

Томоша майдончасига чиқиш билет баҳоси 2 сўм (катталар учун), болалар ва ҳарбий хизматчилар учун 50 тиин.

Оддий иш кунларида ресторанга кириш баҳоси соат 13 дан 17.00 гача 3 сўм, 17 дан 21.00 гача эса 6 сўм, шунингдек, шанба, якшанба ва байрам кунлари эса 6 сўм;

Телевизион минора тепасида сайр қилишни хоҳловчилар билетларни янқа тартибда ёки муассасалар, корхоналар, ташкилотларнинг барвақт буюртмасига кўра телевизион миноранинг кассаларида сотиб олишлари мумкин. Билетларни олиш учун паспорт ёки ҳарбий билет ёнигаида бўлмоғи лозим.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Ф. Энгельс кўчаси 109-уй (25, 28-трамвайлар, 9, 51, 97-автobусларнинг «Телевизион минора» бекати).

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефон 35-22-28).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ленин ордени «СОЮЗГОСЦИРК» Бутуниттифоқ бирлашмаси

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги билан биргаликда

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎЗБЕК ЁШЛАР КҮП ЖАНРИЛИ ЦИРК КОЛЛЕКТИВИГА

КОНКУРС ЎТКАЗИШ ЙҮЛИ БИЛАН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРСГА 16 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР, ЁШИ 25 ДАН КАТТА БЎЛМАГАН СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ БУРЧЛАРИНИ ЎТАБ ҚАЙТАГАН ИГИТЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.

Конкурсдан муваффақиятли ўтган йигит ва қизлар стажёрлик группасига ишга қабул қилинадилар. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар, айни вақтда командировкалар ўрнига қўшимча асосий маошнинг 50 проценти миқдориди устама ҳақ олади-лар.

КОНКУРС ДАВОМИДА ДИРЕКЦИЯ ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИН ЭТМАЙДИ.

Конкурсда қатнашши учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: янаш жойидан справка, медицина справкиси, икки нусхада (086/У форма), паспорт, ҳарбий билет, аттестат ёки маълумоти ҳақидаги диплом, меҳнат дафтарчаси (нусахаси), разряд ва спорт мастери эгалари учун классификация дафтарчаси, таржиман ҳоли, 2 донa фотосурат (3х4 см).

КОНКУРСЛИ ҚАБУЛ 1986 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ СОАТ 12.00 ДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ МАНЕЖИДА ЎТКАЗИЛАДИ (700011, Тошкент шаҳри, «Хадра» майдони). Справкалар учун телефонлар: 44-28-03, 44-25-84, 44-35-87, 44-35-84.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГА ҚАДАР ЎЗ ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ХҲЖА